Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 4 сентябрь, жума № 175 (21. 274)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов жаноблариға

Жаноби олийлари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қувончли бир йиллиги муносабати билан Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига самимий қутловларимизни етказишдан ғоят мамнунман.

Шу имкониятдан фойдаланиб, Сиз, жаноби олийларига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига юксалиш ва фаровонлик тилайман.

Жаноби олийлари, Сизга юксак ҳурматим изҳорини лутфан қабул қилгайсиз.

Ғулом ИСҲОҚХОН,
Покистон Ислом Республикасининг Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг Президенти доктор Ислом Каримов жаноби олийларига

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги қувончлари муносабати билан Сиз, жаноби олийларига самимий табрикларимга ва Ўзбекистонга фаровонлик ва юксалиш, шунингдек, Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни тилаб билдирган энг яхши истакларимга Малайзия қироличаси жаноби олиялари ҳам қўшиладилар. Сиз, жаноби олийларининг Куала-Лумпурга яқинда буюрган биринчи ташрифингизни биз самимият билан эслаймиз, бу ташриф иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаб берди.

Султон АЗЛАНШОХ,
Малайзиянинг олий бошлиғи.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни ва Сиз орқали қардош ўзбек халқини Украина халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган кунинг бир йиллиги билан самимий қутлайман. Мамлакат туб ўзгартишлар йўлига, теран ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, демократик жамият барпо этиш йўлига қатъий ўтган кунга бир йил тўлди. Ҳукуматингиз ва халқингизнинг гуллаб-яшнаган замонавий давлатни барпо этиш йўлидаги куч-ғайратларини биз Украинада самимий хайрихоҳлик билан кузатиб турибмиз. Ҳозир Украина билан Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётининг ғоят муҳим бурилиш босқичини бошидан кечирмоқда. Ишончим комилки, давлатлараро муносабатларнинг негизлари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битим яқинда имзоланганидан кейин дўст давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойиб, тараққиёт ва демократия йўлидаги алоқаларимиз истиқболларини умидбахшлик билан баҳолашга асос бўлади. Сизни Мустақиллик эълон қилинганлигининг бир йиллиги билан қутлаймиз, қардош Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз.

Эҳтиром билан,

Украина Президенти Леонид КРАВЧУК.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовга

Азиз Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган кунинг бир йиллиги муносабати билан Сизни ва қардош Ўзбек халқини самимий қутлайман. Шу унутилмас кунда теран тарихий илдизларга эга бўлган қозоқ ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик демократик давлатларимиз тараққиётининг янги шароитда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яхши қўшничиликнинг янги қирралари билан ярқирашини яна бир бор тасдиқламоқчиман. Ўзбекистоннинг меҳнатсевар халқи ўтиш даври қийинчиликларини муваффақият билан бартараф этиб, жаҳон ҳамжамиятида ҳақли равишда ўзига муносиб жойни олишига ишончим комил. Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик ва омонэсонлик тилайман.

Самимий ҳурмат билан

Нурсултон НАЗАРБОЕВ,
Қозоғистон Республикасининг Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримовга

Муҳтарам Президент жаноблари!

Қардош Ўзбекистон Республикаси халқини ва Сизни, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, миллий байрам — Мустақиллик куни билан сидқидилдан табриклайман.

Қатъий ишонч билан шуни айтаманки, Россия билан Ўзбекистон ўртасида тарихан таркиб топган дўстлик муносабатлари, улар ўртасидаги мавжуд ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамкорлик анъаналари мамлакатларимиз халқларининг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверади. Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига осойишта турмуш, бахт-саодат, фаровонлик тилайман.

Б. ЕЛЬЦИН,
Россия Федерациясининг Президенти.

ДИҚҚАТ:

ШАРОФ РАШИДОВ НОМЛИ ЖАМҒАРМА

Шу кунларда Ўзбекистон ўзининг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, ҳассос адиб ва публицист Шароф Рашидовнинг 75 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Республика ҳукумат комиссияси номига, «Ўзбекистон овози» газета редакциясига Шароф ака билан бирга ишлаган сафдошлари, уни яқиндан билган дўстлари ва маслакдошлари, пешонасига меҳрибон қўли тегиб вояга етган шогирдлари, пойқадами етиб ривож топган шаҳар ва районлар, кўпдан-кўп корхона ва хўжаликларнинг меҳнат жамоаларидан мактублар келмоқда. Улар табаррук зот Шароф Рашидовнинг республика вилоят марказлари, шаҳар ва қишлоқларини ободонлаштириш, айниқса, Тошкентни замонавий кўркам пойтахтга айлантиришдаги алоҳида хизматларини таъкидлаб, унинг номини мустақил мамлакатимиз тарихида абадий қолиши зарурлигини уқтирадилар. Шароф Рашидов номли жамғарма ташкил этилишида ана шу фикр-мулоҳаза ва истаклар асос бўлди.

Жамғарманинг банк ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг Тошкент шаҳар операция бошқармаси ҳисоб-китоб марказида. Рақами: 000700825, код рақами: 172682116.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ДАВЛАТ «МАҲАЛЛИЙ САНОАТ» КОРПОРАЦИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика маҳаллий саноатини бошқаришни ташкил қилишни янада такомиллаштириш, тармоқда бозор муносабатларини кенг жорий этиш, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, халқ истеъмоли моллари, халқ бадиий ҳунармандчилиги буюмларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришда уларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини ривожлантириш, шу мақсадда маҳаллий хомашёдан ҳар томонлама фойдаланиш, шунингдек, аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маҳаллий саноат вазирлиги тугатилсин.

Давлат «Маҳаллий саноат» корпорациясини ташкил этиш тўғрисида маҳаллий саноат бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, давлат «Маҳаллий саноат» корпорацияси барча мулкчилик шаклидаги саноат, қурилиш, савдо, лойиҳа-конструкторлик корхоналари ҳамда маҳаллий саноатга қарашли бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг ёпиқ типдаги ҳиссадорлик жамиятидан иборат ихтиёрий бирлашмасидир ва у юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлиб, амалдаги қонунлар асосида ташкил қилинади ва иш олиб боради.

2. Республика халқ бадиий ҳунармандчилиги саноат-савдо бирлашмасига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг шу бирлашмани давлат «Маҳаллий саноат» корпорацияси таркибига киритиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ҳокимлари Қорақалпоғистон Республикасининг Маҳаллий саноат вазирлигини, вилоят маҳаллий саноат бошқармаларини тугатсинлар, тегишли ҳудудда жойлашган маҳаллий саноат корхоналари ва ташкилотларига республика ҳамда вилоят саноат-савдо концернларини ташкил қилишда ёрдам берсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, «Маҳаллий саноат» корпорациясининг таркибий бўлинмалари бўлмиш ҳудудий саноат-савдо концернлари ўз фаолиятида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳисоб берадилар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида давлат «Маҳаллий саноат» корпорациясининг фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 сентябрь.

Мамнуният телеграммаси

Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигидан олинган телеграммада Қобулдаги Россия ва бошқа чет давлатлар ваколатхоналари ходимларини Афғонистон Ислом давлатидан олиб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, республиканинг турли идоралари ва Сурхондарё вилояти органлари томонидан кўрсатилган ёрдам ва кўмак учун Россия ҳукумати номидан чуқур мамнуният изҳор этилган.

Айниқса, ўзбек заминида Россия Федерацияси фуқароларига, биринчи навбатда ярадорларга кўрсатилган диққат-эътибор ва ғамхўрлик алоҳида таъкидланиб, бу ўз навбатида мамлакатларимиз халқларининг дўстлик ва биродарлик алоқалари мустаҳкамлигидан далолатдир, дейилади телеграммада.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ИККИ МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

ЖИЗЗАХ, 3 СЕНТЯБРЬ.

● ЖИЗЗАХ бадиий қўлолчилик корхонаси ишчи-хизматчилари жамоа тарихида илк бор юқори натижага эришдилар. Бугун йил бошидан бери ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли буюмлари ҳажми 2 миллион сўмликни ташкил этди.

Аслида йиллик режа бир миллион 258 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш эди. Кулолчилар ўтган ой бошларидаёқ бунга эришдилар. Жамоа Мустақиллик байрами олдидан янги-янги нусхадаги лаганлар, гулдон ва чойнак-пиёлалар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиргач, маҳсулотлар салмоғи тезда 2 миллион сўмликка етди.

— Энди юртдошимиз Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб, унинг сиймоси акс этган лаган ва ваза ишлаб чиқара бошладик, — дейди корхона директори Т. Ҳазратқулов. — Б. Эшмуродов ҳамда А. Алибековлар бригадасида тайёрланаётган сопол буюмларга Ш. Бойматова ишлов беряпти. Мусаввир Ф. Жўрабеков эса эсдалик буюмларига атоқли давлат арбоби, ёзувчи Ш. Рашидов расмини солишда маҳорат кўрсатмоқда.

ЧЎЛДА ЯГОНА БОЗОР

● БУГУН вилоят ҳокимлиги «Жиззах чўл қурилиш», ишлаб чиқариш агросаноат бирлашмасига қарашли 1-механизациялашган кўчма қурилиш ташкилоти жамоасидан шошилинчнома олди. Унда жамоанинг Зафаробод райони марказида Жиззах чўлида ягона бўлган ёпиқ бозор қуриб битказилганлиги ҳақида хушхабар битилган.

Вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш ширкати бирлашмаси барча қулайликларга эга бўлган бозор қурилиши учун 1 миллион 400 минг сўм сарфлади.

Бугун-эрта район ҳокимлиги бозорни фойдаланишга топшириш маросимига сўнгги тайёргарликларни кўради.

Б. САТТОРОВ.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА— «МЕРСЕДЕС—БЕНЦ»

● Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган тантаналар давом этаётган кунларда республика вазирликлари ва идоралари ходимларининг бир гуруҳи Германия Федератив Республикасига хизмат сафарига борган эди. Илгари белгиланган ўзаро манфаатли битимларни батафсил муҳокама қилиш, амалий ҳамкорлик истиқболларини белгилаш ўларнинг вазифасига киради.

Матбуотда хабар қилинганидек, жаҳонга машҳур «Мерседес — Бенц» автомобиль компаниясининг раҳбарлари яқинда Ўзбекистонда бўлдилар. Улар саноат иншоотларини бориб кўрдилар, биргаликда автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов билан музокара олиб бордилар.

«Мерседес — Бенц А. Г.» компаниясининг президенти профессор Вернер Нифер Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллиги арафасида фирма заводларида ишлаб чиқарилган иккита енгил автомобиль ва битта автобусни Ўзбекистонга совға қилишга қарор берди. Шу автомобиллардан бири — «Мерседес—Бенц-560» маркали енгил автомобиль Вернер Ниферниг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга шахсий совғасидир.

ЎзА мухбири Л. Левин Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари С. Сафоев билан учрашиб, ундан Германияга хизмат сафари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Бу жуда тиғиз ва айни пайтда жуда самарали сафар бўлди, — деди у. — Биз «Мерседес—Бенц А. Г.» компанияси раҳбарлари билан музокара олиб бордик. Германия ишбилармонлари республикамиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор бераётганликлари таъкидланди. Сиёсий барқарорлик, малакали мутахассисларнинг, саллмоқли ишлаб чиқариш майдонларининг мавжудлиги... буларнинг ҳаммаси ишончли ҳамкорлик учун зарур шартлардир. Жаноб Вернер Ниферниг учта автомобилни совға қилгани ҳам буни яққол тасдиқламоқда. Музокаралар чоғида у Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти йўлига дадил ўтаётганида, барқарор сиёсий ва миллатлараро вазиятни таъминлашда Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг алоҳида ўрни борлиғини таъкидлади. Немис ишбилармонлари Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантириш истиқболлари шу раҳбарнинг номи билан боғлиқ, деб ҳисобламоқдалар.

Шуни ҳам айтиш керакки, биздаги корхоналар ва бирлашмалар билан ҳамкорлик қилишни фақат немис фирмалари ва компаниялари ихтиёр қилаётгани йўқ. Япониядаги «Тойота», Корея Республикасидаги «Самсунг» ва «ДЭУ» каби жаҳонга машҳур фирмалардан, Покистон, Туркия, Ғарбий Европадаги бир қанча компаниялардан бизга жуда кўп таклифлар тушмоқда. Бир қанча таклифлар юзасидан ҳозироқ битимлар тузилдики, бу ҳорижий ишбилармонларнинг Ўзбекистонга эътибори кучайганидан, уларнинг мустақил республика билан фаол ва самарали ҳамкорликка интилаётганидан далолат беради.

Яна бир муҳим жиҳат. Ўзбекистон савдо-саноат доиралари намояндаларининг Ғарбий Германиядаги ишбилармонлар билан музокараларининг асосий мавзуси Хоразм вилоятида жип тусидаги пухта машина ишлаб чиқарадиган заводни барпо этиш эди. Бу осон иш эмаслиги равшан. Лекин бундан ҳар иккала томон манфаатдорлигини таъкидлаш керак. Ҳали қилинадиган ишлар кўп.

(ЎзА).

СУРАТДА: «Мерседес—Бенц А. Г.» компанияси Мустақиллик кунига совға қилган автомобиллардан бири.
ЎзА сурати.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ҚИЗҒИН БОШЛАНДИ

● ЎЗБЕКИСТОН Халқ демократик партияси Андижон вилоят Кенгашининг биринчи котиби Нуъмонжон Шокиров раислигида ўтган вилоят кенгашининг навбатдаги бюросида вилоят партия ташкилотларида партия ҳужжатларини ёзиш ва топшириш ишларининг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Бу ҳақда вилоят Кенгаши партия билети ва ҳисоби секторининг мудири Одашжон Маткаримова, вилоят кенгашининг иккинчи котиби Анварбек Раҳимов ўртоқларнинг ахборотлари тингланди.

Шундан сўнг «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига 1992 йил иккинчи ярми учун обуна ишларининг якуни ва 1993 йил обунасини ташкил этиш вазифалари ҳақида ХДП вилоят Кенгаши котиби Расулжон Мухторов ахбороти эшитилиб, муҳокама этилди. Унда шу нарса таъкидландики, Шаҳрихон, Марҳамат, Қўрғонтепа, Жалолқудуқ районларида «Ўзбекистон овози» рўзномасига обуна ишлари уюшқоқлик билан олиб борилган. «Андижон» биржаси 30 минг сўм, вилоят пахта трести 25 минг сўм, вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси, маҳаллий саноат бошқармаси, Олтинкўл халқ истеъмоли буюмлари фабрикаси 10 минг сўмдан, Жалолқудуқ районидаги «Ғалабанинг 30 йиллиги» жамоа хўжалиги, Ойим паррандачилик фабрикаси обуна учун 5 минг сўмдан пул ўтказиб, ҳомийлик қилдилар. Бундай хайрли ишларни янада авж олдириш, ҳар икки рўзномага обунани уюшқоқлик билан ўтказиш зарурлиги тўғрисида гап борди.

Олтинкўл район ҳокими Назиржон Сандов рўзномалар ижодкорлари билан муштарийлар учрашувларини ўтказиб бориш лозимлиги ҳақида таклиф киритди. Бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинди. Обунани ташкил этиш ишларига ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан ишчи гуруҳи тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди.

Исоқжон ИСМОИЛОВ,
ХДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот марказининг раҳбари.

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини газетамизда эълон қилишни давом эттирмоқдамиз.

(Иккинчи ва учинчи бетларга қаранг).

БИРИНЧИ КОТИБ ЖУРНАЛИСТЛАР ҲУЗУРИДА

Яқинда «Ўзбекистон овози» газетаси ижодий ходимлари ва газетанинг вилоятдаги ўз мухбирларининг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Маҳмуд Мўминович Расулов билан амалий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда биринчи котиб журналистларга Ўзбекистон ХДП Дастурини, республикадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни яхшилашга қаратилган Президент фармонларини амалга ошириш, умуман мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган хайрли ишлар ҳақида сўзлаб берди. Бу борада газета партияга яхши кўмакдош бўлаётгани, олдинда турган вазифалар янада масъулиятли, улар жамоа ижодий кучларидан тўғри ҳам чуқур изланишни, ғайрат-ташаббус кўрсатишни талаб этишлиги таъкидланди.

Бунинг учун табиийки, редакцияда самарали ижодий меҳнатга рағбатлантирувчи илҳомбахш шарт-шароит бўлиши лозим. Шу муносабат билан учрашувда редакция ходимлари фаолияти самарадорлиги, газетанинг таъсирчанлиги ва жанговорлигини ошириш, янги-янги ижодий изланишлар, ташаббусларни рағбатлантиришнинг моддий ва маънавий омилларини кучайтириш, газетанинг вилоятдаги мухбирлари иш шароитларини яхшилаш, 1993 йил обуна мавсумини пухта ташкил этиш ва газетани муштарийларга мунтазам етказишни такомиллаштириш масалалари ўртага қўйилди.

Ўртоқ М. М. Расулов учрашувда газета фаолиятига доир кўтарилган долзарб масалалар Марказий Кенгашда батафсил ўрганиб чиқилиб, уларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилажагини қайд этди. Биринчи котиб газета ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА 1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА НАРХИ:	БИР ЙИЛГА— 384 сўм	ЯРИМ ЙИЛГА— 192 сўм	УЧ ОЙГА— 96 сўм



УНВОН ВА МУКОФОТЛАР МУБОРАК

МУСТАҚИЛЛИК байрами кунларида барча матбуот ходимларини мамнун этган хушхабар тарқалди. Узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилганлиги, республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, «Ўзбекистон овози» газетасининг бўлим мудири **Жўра Холқосимов** билан катта мухбир **Дилбар Маҳмудоваларга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»** фахрий унвони берилди.

ИСТИҚЛОЛ

— Бирлашган Қуролли Кучлар орқали миллий мудофаани мувофиқлаштириш, миллий ҳудуд яхлитлигини ва давлат чегарасини ҳимоя қилиш;

— ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг фан-техника тараққиёти ютуқларидан, янгиликларидан, технологиялари, телекоммуникациялар, космик алоқа воситаларидан баҳраманд бўлиш, зарур хом ашё ва тайёр маҳсулотни, шу жумладан халқ истеъмол молларини жаҳон нархларидан паст нархларда сотиб олиш, шунингдек, ўз маҳсулотини сотиш учун кенг кўламдаги бозорнинг мавжудлиги;

— транспорт тармоғидан фойдаланиш, денгиз портларига чиқиш, хорижий мамлакатларга молларни транзит йўли билан етказиб беришда имкониятнинг кенглиги;

— кескин экология муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирларини биргаликда амалга ошириш, табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатишда ўзаро ёрдам бериш.

Ўзбекстон Ҳамдўстликдаги шериклари билан ўз муносабатларини кўп томонлама давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар доирасида ҳам, шунингдек тўғридан-тўғри икки томонлама мулоқотлар, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ўрнатиш асосида ҳам йўлга қўйиш ниятидадир.

Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан ўзаро муносабатларидаги энг муҳим масала — суверен Россия билан тенг ҳуқуқли

(Давоми. Боши газетамизнинг 27, 28, 29 август ва 3 сентябрь сонларида).

28.

алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда унинг потенциалига таянишдир.

Ўзимизнинг ички ва ташқи сиёсатимизни белгилар эканмиз, шуни ҳисобга олмаслик мумкин эмаски, 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон билан Россия собиқ Иттифоқ таркибида бўлиб, ҳаётнинг барча соҳаларида, иқтисодиёт ва маданият соҳасида бир-бири билан чамбарчас боғланган, бу алоқаларнинг илдизлари яна ҳам олисроқ ўтмишга бориб тақалади. Россиянинг Ўзбекистон ҳаётига, унинг тақдири ва келажагига реал таъсирини эътиборга олган ҳолда ҳамкорлигимизнинг аҳамияти етарли даражада катта эканлигини ҳолисона эътироф этиш керак.

Оёққа мустаҳкам туриб олиш, иқтисодиётга жўшқин тус бериш, халқимиз ва ўлкамиздаги мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш учун ижтимоий-сиёсий барқарорлик, чегараларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарур. Республика ичкарисида кучқудратимиз ишончли ва мустаҳкам бўлиши керак. Хонадонимизни авайлаб-асраш, мавжуд чегараларни сақлаб қолиш учун қудратли потенциалга эга бўлган Россия томонидан мадад ҳам зарур.

Иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, тангликдан чиқиш йўлларини белгилашда ҳам ўзаро таъсир ғоят катта. Ўзбекистоннинг иқтисодиётини соғломлаштириш учун Россиядан республикага ҳаётий муҳим ресурслар — металл, нефть, ёғоч ва тахта, транспорт воситалари, технология ускуналари ва бошқа моллар узлуксиз етказиб берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Айни вақтда Ўзбекистон Россияга пахта толаси, кунжара, хом ипак, мева-сабзавот маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотларни етказиб бераётган асосий республикадир.

29.

Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги Россия билан дўстликни сақлаб қолишни истаётганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Собиқ марказ билан эмас, балки айни Россия билан дўстликни сақлаб қолишни хоҳлашмоқда. Аслини олганда Россия ҳам собиқ Иттифоқдаги бошқа республикалар каби мустақил эмас эди. У эндигина мустақил бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг тузилганлиги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришда қудратли омил бўлиб хизмат қилади, ҳар иккала мустақил давлат халқларининг туб манфаатларига мос келади.

Мустақил Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон билан дўстона, қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш, улар билан қалин ижтимоий-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантириш, илмий ва маданий ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ғоят муҳим устивор йўналиши ҳисобланади. Ҳамкорликка интилиш шу минтақа мамлакатларига тарихан хосдир. Буни умумий чегараларгина эмас, балки аввало миллий маданиятларнинг, тил, урф-одатлар ва анъаналарнинг яқинлиги белгилаб берган.

Мазкур республикаларнинг иқтисодиёти ўзаро чамбарчас боғланган ва бир-бирига таъсир ўтказиб турган бўлиб, баб-баравар мушкул аҳволда қолган хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш зарурлиги, яхлит энергетика, транспорт, ирригация тармоқларидан, сув ва газ таъминоти тизимидан биргаликда фойдаланиш шарт-шароитидан ҳам келиб чиқади. Минерал хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш соҳасида таркиб топган ички минтақавий кооперация ҳам шуни тақозо этади.

Орол бўйидаги экология фалокати оқибатларини бартараф этиш, Орол денгизини қутқариш бўйича биргаликдаги чора-тадбирларни амалга ошириш минтақаларо ҳамкорлик доирасида алоҳида аҳамиятга эга. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мустақил давлатларининг самарали ҳамкорлиги чегарадош мамлакатлар, аввало мусулмон Шарқи мамлакатлари билан қўшма лойиҳаларни бирмунча муваффақиятли равишда рўёбга чиқаришга ҳам кўмаклашади.

Давлат мустақиллиги қарор топгандан кейин Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар руҳи, дини, урф-одатлари ва анъаналарига кўра яқин бўлган Осиёдаги мусулмон Шарқига мансуб мамлакатлар билан бевосита мулоқот ўрнатиш имкониятини қўлга киритдилар.

Қондош-қардош мамлакатлар билан ҳамкорликни юқори давлат даражасида мустаҳкамлаш республиканинг ҳақиқатан ҳам тенг шерикчилик ва ўзаро ҳурмат принциплари асосида жаҳон хўжалик алоқалари тизимига киришига имкон беради. **Биринчи навбатда Осиё ва Тинч океани минтақасидаги мамлакатлар билан ташқи алоқаларни**

30.

31.

ЧАҚАЛОҚЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒА-САЛОМЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги арафасида таҳририят ходимларидан катта гуруҳи республика миқёсидаги мукофотлар билан тақдирланди. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этганлиги ҳамда Мустақиллик кунининг бир йиллиги муносабати билан газетамизнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ўз мухбири **Рейимбой Ешимбетов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи** билан мукофотланди.

Таҳририят ходимларидан: **Марфуа Абдуқодирова, Нигора Азимова, Юсуф Бердиев, Юнус Зиёдов, Машкура Мирзамуҳамедова, Владимир Молгачев, Миршароф Мухсимов, Тўлаган Нажмиддинов, Фароғат Низомова, Ҳайдар Носиров, Каримжон Рнхснев, Исмоил Сулаймонов, Ҳамид Султонов, Рафиқ Турсунов, Шароф Убайдуллаев, Эркин Ҳўжаевлар** кўкракка тақиладиган **«Мустақиллик» эсдалик нишонига** сазовор бўлдилар.

Газетанинг вилоятлардаги ўз мухбирлари: **Рейимбой Ешимбетов** (Қорақалпоғистон Республикаси), **Алишер Ибодинов** (Фарғона), **Муса Каромов** (Қашқадарё), **Абдуҳошим Мадатов** (Наманган), **Эркин Мадраҳимов** (Хоразм), **Абдунаби Маннопов** (Тошкент, **Нусратилло Наимов** (Бухоро), **Баҳриддин Сатторов** (Жиззах), **Фармон Тошев** (Самарқанд), **Абдужалил Умаров** (Сирдарё), **Олимжон Усанов** (Сурхондарё), **Музаффар Шаропов** (Навоий)ларга ҳам ана шундай **эсдалик нишони** гувоҳномаси билан топширилди.

Яқиндан бери газетамизга илова тарзида рус тилида «Голос Узбекистана» ҳафталиги чиқаётир. У қисқа вақт ичида ўз мухлисларига ва ўқувчилар доирасига эга бўлди. Мазкур ҳафтаномани чиқаришда жонбозлик кўрсатаётган **Марат Болтабоев, Любовь Иванченко, Марина Игнатенко, Илдор Мударисов, Орифжон Муҳаммаджонов, Озод Саидов, Валентин Степанов** ва **Владимир Чеботинлар «Мустақиллик» эсдалик нишони** билан тақдирландилар.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги байрами серқуёш диёримизда умумхалқ шодиёнаси, катта тўй-томошаларга айланиб кетди. Қутлуғ кунда ҳамма жойда элюртга ош берилди, бева-бечора кишиларга меҳр-шафқат ёрдамлари кўрсатилди. Бу айём кунида республикамиз бўйича юзлаб янги «меҳмон» — чақалоқлар дунёга келди.

Шу муносабат билан Тошкентнинг барча туғуруқхоналарида янги туғилган чақалоқларни қутлаш маросими бўлиб ўтди. Кўзи ёриган оналарга Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан совға-саломлар тантанали равишда топширилди.

Мирзо Улуғбек районидаги 6-туғуруқхонада етти нафар янги инсон ёруғ олам юзини кўрди. Мустақил мамлакатнинг мурғак фуқароларига аталган муносиб совғалар — аравача, ички кийимлар дастаси, йўргак-конверт, эсдалик нишони ва Президент қутловномаси уларнинг оналарига топширилди.

Онахонлар — М. Эшонхўжаева, Д. Жалилова, Г. Нестерова, А. Идиатулина, Л. Ляпина, М. Расулова, З. Медведова совға-саломларни қабул қилиб, ўзларининг миннатдорлик туйғуларини изҳор қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг янги туғилган чақалоқларга йўллаган қутловномасида қуйидаги сўзларни ўқиймиз:

«...Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин, эркатойим!.

Соғлом, гўзал ,олижаноб бўлиб камолга ет. Ҳамиша ҳалол ва дилдор бўл, қийинчиликлардан чўчима, хайрли ишларни амалга ошир, дўстликнинг қудратини қадрла».

А. ПУЛАТОВ.

СУРАТДА: янги фарзандли оналарга совға-саломларни топшириш маросими.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ШАЙМИСИЗ?

Кейинги кунларда ёққан ёмғир деҳқонларимизни анча шошириб қўйди, чунки сабзавот ва полиз маҳсулотларининг анчагина қисми ҳали йиғиштириб олингани йўқ, пахтанинг етилиши эса 10-15 кун кечиқяпти. Шундай экан, ҳосилни қисқа муддатда йиғиштириб олиш чоралари кўрилиши керак.

Республикамизнинг жанубий вилояти — Қашқадарёда йиғим-теримга қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Пахта териш машина-ускуналари ва зарур барча воситалар мавсумга шайми?

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ҳамда жумҳурият бир қанча вазирликлари ва концернларининг бошлиқлари вилоятда бўлиб, хўжалик раҳбарлари билан бирга пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишларини таҳлил этдилар, Аниқланган камчиликларни бартараф этиш йўллари белгиланди.

(ЎзА).

МИЛЛИЙ БОҒДА САЙИЛ

● Жумҳурият маънавий маданият тарғибот маркази ва Ўзбекистон миллий боғи Чиноз районидаги Навоий номидаги жамоа хўжалиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг бир йиллигини тараннум этиш мақсадида катта сайилга тайёргарлик кўрдилар.

«Бобо деҳқонга таъзим» деб номланган бу тадбир Навоий номидаги миллий боғда ўтказилди. Бу сайилга шаҳарлик ишчилар ва далада баракали меҳнат қилган деҳқонлар таклиф этилганди.

Катта сайил қатнашчилари улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. «Хумор» чойхонасида томошабинлар учун қулай имкониятлар яратилди. Бу тадбирларга Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таклиф қилинди. Шоир ўзининг кенг даврали мухлислари ҳузурида мустақиллик йилида қилган ижодий ишлари билан ўртоқлашди.

Ўзбек олими Фатхиддин Зикриллаев маърузасида Ўзбекистон мустақиллиги туфайли бир йилда эришилган ёркин самаралар ва келгусидаги режалар ҳақида фикр юритилди.

Мустақиллигимизни улуғловчи бу катта сайилда Тошкентдаги Толибжон Содиқов номли маданият уйининг «Соҳибқирон» гуруҳи санъаткорлари ва полвонлари маданий хизмат кўрсатдилар.

Жамолиддин АРАББОЕВ,
Чиноз районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги раиси.

ТАЛАБАЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

Куни кеча пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасида Тошкент Техника университети профессор-ўқитувчилари ва студент-ёшларининг республика мустақиллиги бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда университетнинг биринчи проректори А. Садриддинов талабаларни истиқлол байрами билан табриклаб, уларни ўзлари танлаган ихтисослик бўйича билимларни қунт ва изчиллик билан эгаллашга ундади.

Сўнгра биринчи курс талабалари университет тарихида илк бор тантанали равишда қасамёд қилишди. Улар республика мустақиллиги ва конституцион тузумни ҳимоя этиш, жаҳон фани ҳамда миллий маданиятимиз бой меросини чуқур ўрганиш, ўзлари сабоқ олаётган университет обрўйини бутун фаолиятлари билан кўтаришга сўз беришди.

Ушбу йиғилишда Тошкент Давлат техника университети студент-ёшларининг Ўзбекистон Республикаси барча талабаларига мурожаати қабул қилинди.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Талабалар қасамёд қилаётган пайт.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабаларининг Ўзбекистон Республикасининг барча талабаларига

МУРОЖААТИ

1992 йил 1 сентябрда халқимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг бир йиллигини тантанали равишда нишонлади.

Ўтган йил давомида республикадаги вазият сезиларли даражада ўзгарди. У ўзининг янгиланиш ва тараққиёт йўлидан қатъият ва ишонч билан бормоқда. Давлатни бошқаришнинг халқ томонидан танланган президентлик шакли муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов ва унинг раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ҳалқаро сиёсат жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистоннинг халқи ва ҳукумати энг янги техника ва технологиядан кенг фойдаланиш асосида кескин иқтисодий ривожланиш йўлини, республика ҳаётининг барча жабҳаларида жадал социал-сиёсий тараққиёт йўлини қатъий танлади.

Бу танлаган йўлнинг қанчалик муваффақиятли амалга ошиши республикамиз кадрлари куч-қудратига, савиясига, хусусан, олий ўқув юртларимизда қандай савиядаги мутахассислар етиштирилишига, уларнинг қанчалик тобланиб, чиниқишларига боғлиқ. Бу жиҳатдан халқимизнинг, ҳукуматимизнинг бизга бўлган ишонч ва умидларини оқлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ҳурматли ўртоқлар!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллиги — улуғ байрамимиз муносабати билан, бундан буён у ҳар йили тантанали равишда нишонланади, бизлар Ўзбекистонга садоқат, ўз халқимизга содиқлик тўғрисида қасамёд қилишга қарор қилдик. Бундай Қасамёд қабул қилиш бизнинг олийғоҳимизда бундан буён анъана бўлиб қолади.

Республикамизнинг барча талабаларини бизнинг ушбу ташаббусимизга қўшилишга чақирамиз!

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабасининг

ҚАСАМЁДИ

Тошкент давлат техника университети талабалари сафига қўшилар эканман, тантанали равишда қасамёд қиламан:

— мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг шон-шарафи ва қадр-қимматини муқаддас сақлайман;

— ўзимнинг бутун фаолиятим ва ақл-заковатим билан унинг иқтисоди, фани ва маданиятининг гуллаб-яшнашига, бой халқ анъаналарини тиклашга, унда яшайдиган барча халқлар ва элатларнинг тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшашига кўмаклашаман;

— республиканинг мустақиллиги ва конституцион тузумни фидокорлик билан ҳимоя қиламан, президентлик ҳокимияти ва халқ томонидан сайланган Президентнинг обрўйини мустаҳкамлайман;

— меҳнатсевар, ҳалол ва софдил халқимнинг пок номига доғ туширишга бўлган ҳар қандай интилишга қарши курашаман, бегуноҳ одамларнинг кўз ёшлари тўкилмаслиги ва изтироб чекмасликлари учун қўлимдан келадиган ҳамма ишни қиламан;

— Қорабоғ, Молдова, Грузия ва Тожикистондаги қонли воқеаларнинг аянчли сабоқларини ҳисобга олиб, ўзларининг шахсий ғаразли мақсадлари йўлида республикадаги барқарорликни бузишга интилган ҳар қандай бузғунчи кучларга муносиб зарба бераман;

— ўзим танлаган ихтисослик бўйича билимларни қунт ва изчиллик билан эгаллайман, доимо ҳормай-толмай ўзимнинг умумий билимимни ва маданий савиямни ошира бораман, жаҳон фани ва маданияти қадриятларидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қиламан, жаҳон фани ва маданиятининг буюк намояндаларига айланган Навоий, Улуғбек, Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий ва бошқа ўзбек олимларининг бебаҳо меросини чуқур ўрганаман ва уни кенг тарғиб қиламан;

— тўғри, камтарин, одил ва виждонли бўламан, муаллим ва мураббийларимга чуқур иззат-икром кўрсатаман, уларнинг меҳнати ва ҳаётий тажрибасига ҳурмат билан қарайман ва ундан унумли фойдаланаман, қарияларни эъзозлайман, ногирон ва ночорларга ёрдам кўрсатаман, занфларни ҳимоя қиламан;

— бутун ҳатти-ҳаракатим билан ўзимизнинг «Альма—Матер» — Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети обрўйини кўтариш ва унинг бошқалар томонидан ҳам тан олинишига ҳаракат қиламан;

Соф виждоним, ўз ихтиёрим, чуқур фуқаролик масъулияти туйғуси билан шуни тантанали суратда айтаманки, ўзимнинг қасамёдимни доимо шараф билан бажараман ва унга бутун умрим бўйи содиқ бўлиб қоламан!

ДОРИЛФУНУНИ

ўрнатишга интилишимиз худди шу билан белгиланади.

Биз билан Туркия Жумҳурияти ўртасида айниқса яқин ва самарли муносабатлар таркиб топмоқда. Бу жумҳурият бизга амалий ёрдам бериш учун ҳозирдаёқ кўп иш қилди. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Жумҳурияти ўртасидаги алоқаларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисидаги Шартнома, иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги Битим ҳамда бошқа аҳдлашувлар икки дўст давлат муносабатларида янги босқични очди. Туркиянинг тажрибаси, унинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўли, бизга ўхшаш этник-маданий шароитларда давлат билан дин ўртасида уйғун муносабатларга эришишдаги ютуқлари ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва давлат-ҳуқуқий тараққиёт йўлимизни белгилаш чоғида зўр қизиқишга моликдир. Ўзбекистон билан Туркия ўзаро манфаатдорликка асосланиб, газлама ва тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, турли фойдали қазилмаларни қидириш, қазиб олиш ва фойдаланиш, кичик ва ўртача корхоналарни қуриш, кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, туризмни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш ниятидадирлар. Мунтазам ҳаво йўлларини очиш, радио ва телевидение дастурларини ўзаро айирбошлаш муштарак маънавий илдизларга эга бўлган халқларнинг савдо-иқтисодий ва маданий соҳаларда самарали ҳамкорлик қилишларига, турмуш тарзларини яхшироқ билиб олишларига хизмат қилади.

32.

Ўзбекистон бошқа мусулмон давлатлари билан ҳам ўзаро муносабатларни — шу жумладан кўп томонлама асосда чуқурлаштиришга интилмоқда. Бу йўлда ҳам ҳозирдаёқ муайян силжишлар бор. Ўрта Осиёдаги мамлакатлар, Қозоғистон, Эрон, Покистон, Туркиянинг Ашгабат учрашуви яхши умид туғдирмоқда. Ана шу учрашув давомида Трансосиё темир йўл магистралини биргаликда қуриш тўғрисида аҳдлашувга эришилди. Бу лойиҳани амалга ошириш Ўзбекистоннинг жаҳон океанига, халқаро савдо марказларига чиқиш йўлини очади, ташқи иқтисодий фаолият йўналишларини танлашда ҳаракат эркинлигини анча оширади.

Араб мамлакатлари билан, аввало Саудия Арабистони билан қалин алоқалар ўрнатиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Ўзбекистон халқи маданий ва диний меросдан баҳраманд бўлиш, савдо-сотиқ, туризмни ривожлантириш, кадрларни ўқитиш имконини олди.

Ўзбекистоннинг Осиёдаги Хитой ва Ҳиндистон каби буюк мамлакатлар билан ҳам муносабатлари самарали ривожланиб бормоқда. Ҳозирдаёқ савдо ва иқтисодий соҳалардаги битимлар имзоланди. Зарур ресурсларни, халқ истеъмоли молларини етказиб беришдан тортиб, меҳмонхоналар қуриш, соғлиқни сақлаш, дори-дармонлар ишлаб чиқариш, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий ҳамкорлик қилишгача кенг кўламдаги соҳалар ва тармоқларда жиддий ўзаро манфаатларнинг мавжудлиги шу муносабатларни

33.

чуқурлаштиришга кўмаклашади. Ўзбекистон билан Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни эркин алмаштириладиган валютани жалб қилмай, клиринг асосида амалга ошириш мумкинлиги бу алоқаларнинг ўзига хос хусусиятидир.

Жануби-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйиш — Ўзбекистон ташқи сиёсатини кучайтиришнинг муҳим йўналишидир. Уларнинг иқтисодиётни янгилаш тажрибаси, ана шу давлатларнинг сармояларини ҳам техникавий қишлоқ хўжалик экинларини қайта ишлашга, ҳам саноатнинг илм-фанга асосланган тармоқларига жалб этиш республикамиз учун каттагина аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кўп томонламалиги ва очиқлиги иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан мустаҳкам ўзаро фойдали муносабатларни ўрнатишга қаратилган ёндашувларни белгилаб беради. Биз-нинг минтақамиз халқлари Оврўпо маданий олами билан мана икки ярим минг йилдирки ўзаро алоқа қилади. Ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатлари, Германия, Испания, Франция, Италия, бошқа етакчи давлатлар билан тенг ҳуқуқли ўзаро ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очилмоқда.

Ғарб олами билан ҳамкорлик қилиш замонавий технологиялар, инвестицияларни саноатнинг етакчи тармоқларига жалб қилиш, табиий хом ашёдан ҳар томонлама фойдаланиш йўлини очади. Етук мутахассислар, айниқса банк ва бошқарув соҳасида мутахассислар тайёрлашда; ахборот тармоқларини йўлга қўйишда, жаҳоннинг етакчи биржалари билан алоқалар ўрнатишда, хорижий қонунчилик тажрибасини ўрганишда кўмаклашиш муҳимдир.

Ўзбекистон Шарқий Оврўпо мамлакатлари билан собиқ Иттифоқ доирасида шаклланган алоқаларни узиб ташламоқчи эмас. Республика улар томонидан технологик асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар, дори-дармонлар, озиқ-овқатлар ва бошқа товарлар етказиб берилишидан манфаатдордир. Шу билан бирга биз пахта толамиз ва бошқа ресурсларимиз бу мамлакатларнинг иқтисодиёти учун қандай аҳамиятга эга эканлигини ҳам реал баҳолаймиз.

Иқтисодий омиллар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади. **Бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни ташкил этишни чуқур ислоҳ қилишга тўғри келади.**

Республиканинг катта экспорт имкониятлари Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига чиқишини таъминлашнинг, халқаро ҳамжамиятда мавқеларининг мустаҳкамланиши ва унинг миллий валютаси тан олинишининг муҳим омили ҳисобланади. Афсуски, бу қудратли имкониятлардан илгари асосан бутун собиқ Иттифоқ ва унинг Маркази манфаатлари йўлида фойдаланилди, холос.

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда устиворлик қуйидагиларга берилади:

— республиканинг экспорт имкониятларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакл-

(Давоми бор).

35.

«Мустақиллик йўли—истиқбол йўли» байрам йўқламаси

• ХОРАЗМ •

ЁРУҒ КУНЛАР ҚУВОНЧИ

Мустақиллик, истиқлол!

Бу ҳароратли, руҳиятимизга ажиб бир завқ-шавқ ва ҳаяжон бағишлайдиган оташин сўзлар қуйи Аму соҳилида ястанган кўҳна, бироқ ҳамиша навқирон диёр — Хоразм воҳаси меҳнаткашлари, ёшу қари-барча фуқороси учун ҳам муқаддас калималар бўлиб қолди.

Ҳа, истиқлол бизга ўзлигимизни танитди, унутилган, топталган қадриятларимизни тиклаш, уларни халқимизга қайтаришга кенг йўл очди, ўз миллий бойликларимизга, диёримизга эгалик қилиш, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, ҳуқуқий давлат қуриш ҳуқуқини берди. «Қизил империя»нинг кўпгина «изм»лари, элимизга бевосита алоқаси бўлмаган кўпгина ёт, «хорижий» исмлар ўзгартирилиб, уларнинг ёди билан аталадиган неча ўнлаб кўчалар, мактаблар, жамоа ва давлат хўжаликлари халқимизнинг Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кўбро, Жалолиддин Мангуберди, Феруз сингари буюк тарихий сиймолари, эл-юртга хизмат қилиб, ўзидан ёрқин излар қолдирган замондошларимиз номи билан аталабошлади. Биз ўзимизнинг кўпгина улуғ фарзандларимизга «қизил империя» таъзиқи туфайли ҳайкаллар қўёлмадик. Лекин ўзгаларни ардоқлаб, қуббадор ёдгорликлар бунёд этдик. Энди тарих ҳукми, мустақиллигимиз шарофати билан ана шу тенгсизликлар ҳам бартараф этила бошлади. Бирғина бизнинг вилоятимизда В. И. Ленининг ўзига 100 га яқин ҳайкал ўрнатилганини, 20 га яқин хўжалик, неча ўнлаб мактаб ва кўчалар шу ном билан аталаб келинганлигини совет зуғумининг натижаси деб баҳолаш мумкин.

Олдин вилоятимизда биттагина — у ҳам бўлса 1935 йилда ташкил этилган, фақатгина педагог кадрлар тайёрлашга йўналтирилган давлат олийгоҳи мавжуд эди. Жумҳуриятимиз мустақиллиги йилида ана шу олийгоҳ кенг қамровли табиий фанлар таҳсили етакчи ўринга қўйилган дорилфунунга айлантирилди. Унда янгидан физика, математика, иқтисодиётни бошқариш, тупроқшунослик бўлимлари, политехника йўналишида инженер-техника, кимё-технология, қурилиш-таъмирлаш куллиётлари ташкил этилди. Ўзбек тили ва адабиёти, инглиз ҳамда немис тилларини ўқитишга эътибор кучайтирилди, келгусида турк ва араб тилларини ўқитиш режалари ҳам белгилаб қўйилди. Янги йўналишдаги фанлар бўйича талабаларга сабоқ бериш учун Тошкент ва Самарқанддан кўпгина фан докторлари, профессорлар таклиф этилди. Биринчи йилнинг ўзида дорилфунунга тест усулида 350 нафар, имтиҳон усулида кундузги таълимга 325 нафар, сиртдан ўқишга эса 275 нафар талаба қабул қилинди.

Шунингдек, мустақиллик йилида Тошкент иқтисодиёт дорилфунуни ҳамда биринчи Тошкент тиббиёт олийгоҳининг Урганч филиаллари, турк лицейи очилганлиги ҳам вилоятимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Ҳозирги мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитларга қарамай, халқ хўжалигининг барча тармоқларини, хусусан саноат ва қурилишни, маданият ва санъатни, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш, болалар муассасалари тизими сингари жабҳаларни юксалтиришга ҳам вилоят ҳокимияти алоҳида аҳамият бермоқда. Ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳаракатларига кенг йўл очилмоқда.

Шу йилнинг ўзида вилоятда маданий-маиший, аҳолига хизмат ҳамда ишлаб чиқариш йўналишидаги ўнлаб объектлар фойдаланишга топширилди. Урганчда ниҳоятда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, япон компьютерлари билан жиҳозланган вилоят юрак-қон-томир хасталиклари шифохонаси фаолият кўрсата бошлади. Истиқлол байрами куни эса янгидан қад кўтарган 2582 ўринли бешта мактаб биноси ўқувчиларни ўз бағрига олди.

Ўтган йилларда ота-онасиз етим-есирларга, боқувчисини йўқотганларга, жамиятнинг серфарзанд, аммо кам даромадли оилаларига алоҳида меҳр-шафқат, мурувват кўрсатишдек анъаналаримиз ҳам тамоман унутилаёзган эди. Мустақиллик бизга ана шу анъаналаримизни ҳам қайтарди. «Наврўз» шодиёналарида ўтказган хайрия тадбирларимиз натижасида меҳр-шафқат ва болалар жамғармаларига бир неча миллион сўм маблағ тушди, уларнинг анча қисми болалар уйларида тарбияланаётган етим-есирларга, боқувчисини йўқотганларга, муҳтожларга, меҳнат қобилиятини йўқотганларга тақсимлаб берилди.

Ота-онасиз етим-есирлар ҳақида доимий ғамхўрлик қилишни вилоят ҳокимлиги яқинда махсус қарор билан ўз ҳомийлигига олди. Ана шу ҳомийлик ҳақидаги қарорга кўра вилоят ҳудудида яшаётган 1054 нафар етим-есирга бир йўла ёрдам тариқасида тақсимлаш учун 304 минг сўм ажратилди. Ота-онасиз 300 нафар сағир боланинг ҳар бирига 500 сўмдан, отасиз ёҳуд онасиз 754 нафар болага эса 200 сўмдан байрам пули улашиб чиқилди.

Воҳамизда мустақиллик байрами тантаналари зўр шодиёнага айланди. Шаҳарлар ва туманларнинг марказлари, қишлоқ ва аҳоли пунктлари ободонлаштирилиб, дид билан безатилди. Деярли барча меҳнат жамоаларида, кутубхоналар ва клубларда истиқлолга бағишланган учрашувлар, кечалар, шеърхонликлар ўтказилди. 400 дан ортиқ кутбхонада мустақиллигимизни мадҳ этувчи кўргазмалар ташкил этилди. Улуғ шодиёна куни Урганч суратлар галереясида Хоразм рассомларининг тематик кўргазмаси, Хоразм нафис санъат маркази, ўлкашунослик музейи, турк лицейи, Хонқада машҳур санъаткор Ҳожихон Болтаев уй-музейи тантанали суратда очилди.

Хоразмликлар Ўзбекистонимиз мустақиллигининг бир йиллигини ғоят кўтаринкилик ҳамда муносиб меҳнат арғумонлари билан қарши олдилар.

Маркс ЖУМАНИЕЗОВ,
Хоразм вилояти ҳокими.

• СИРДАРЁ •

ИСТИҚЛОЛ БИЗЛАРНИ ҚАНОТЛАНТИРМОҚДА

«Ўзбекистон овози» мухбири А. Умаров мустақиллик байрами муносабати билан Сирдарё вилояти ҳокими Б. М. МАҲМУДОВ ҳузурида бўлиб у билан суҳбатлашди.

— Ботир Маҳмудович, қўриқ воҳа меҳнаткашлари жумҳуриятимиз истиқлолининг бир йиллигини қандай совғалар билан кутиб олдилар?

— Илгари ҳам кўп байрамларни кўрганмиз. Лекин уларнинг ҳеч бирини бу галги байрамга тенглаштириб бўлмайди.

Мен ўша 1991 йилнинг 31 августидаги тарихий сессия иштирокчиси бўлганман. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг минбарга кўтарилиб, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги тўғрисида айтган тарихий сўзлари ҳозир ҳам қулоқларим остида жаранглаб турғандек.

Биз энди ўз мустақиллигимизни асрай билишимиз, мустаҳкамлай олишимиз керак.

Жумҳуриятимизнинг барча жойларида бўлаётгани каби қўриқ воҳа меҳнаткашлари ҳам ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида яратувчилик ҳаракатларини авж олдирмоқдалар. Бу ўз самарасини кўрсатяпти. Пилла етиштириш ва давлатга сотиш бўйича бу йил энг юқори натижага эришилди. Давлатга 460 тоннадан зиёд «кумуш тола» сотдик. Ғалла етиштириш борасидаги ютуқларимиз ҳам қувонарли. Давлатга 28 минг тоннадан зиёд дон етказиб бердик ва бу борадаги топшириқни анча ортиғи билан адо этдик.

Шунингдек сабзавот, полиз, боғдорчилик ва узумчилик соҳасидаги ютуқларни мустаҳкамлаш йўлида астойдил меҳнат қиляпмиз.

Пахта етиштириш борасидаги қийинчиликлар ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Энг муҳими, ўз тарихида катта қийинчиликлар ва синов йўлларини босиб ўтган қўриқ воҳа деҳқонлари бу йилги ҳосилга пухта замин яратишган. Айниқса, Оқолтин, Меҳнатобод, Сайхунобод ҳамда қатор районларимиз деҳқонлари баракали меҳнат қилмоқдалар. Мусобақадош Навоий вилоятидан келган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари ана шуларни таъкидлаб ўтдилар.

— Сизнингча, истиқлол вилоятга нималар берди?

— Истиқлол биринчи навбатда бизларга чин маънодаги эркни берди.

Ўтган бир йил мобайнида вилоятимиз саноатчилари, деҳқонлари ва тадбиркорлари жаҳон бозори, ташқи алоқалар йўлидан бориб, чет эл мамлакатлари ишбилармонлари билан ҳамкорликка киришдилар. Бу биринчи навбатда яна ўша биз тилга олаётган истиқлол меваси-дир. Туркиядаги ишбилармонлар билан танишув менга катта фойда берди. У ерда кўрганларимни эндиликда ҳаётга татбиқ этаётирмиз. Вилоятимиз вакиллари яқинда икки маротаба Хитойда бўлдилар. Сардоба қўрғонидаги Италиянинг «Коррера» фирмаси ҳамкорлигида очилган қўшма корхона ярим йилдан буён маҳсулот бермоқда. Сирдарё пойафзалчилари Гонконгдаги ҳамкасблари билан алоқа боғлашаётир. Ҳиндистонлик ишбилармонлар тез-тез вилоятимизга ташриф буюришяпти. Покистон, Жанубий Корея давлатлари билан келишувлар кўзда тутилаётир. Шунингдек, қўшни ҳамдўстлик мамлакатларидан — Қозоғистоннинг Қизилўрда, Чимкент, Тожикистоннинг Ленинобод, Россия Федерациясининг қатор ўлка, вилоятлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатганмиз, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлида катта ишлар қилинаётир. Булар менимча ҳозирча хамир учидан патир, холос. Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги тажрибаримиз ортгани сари фаолиятимиз қирралари ҳам, қамрови ҳам янада кенг уфқлар очиши турган гап. Модомики, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида яшаётган эканмиз, эндиликда иқтисодимиз тараққиётини ташқи алоқаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

— Ҳоким сифатида нималарни режалаштряпсиз, нималарни орзу қилмоқдасиз?

— Вилоятимиз меҳнаткашлари олдида турган муаммолар оз эмас. Республика ҳукумати ғамхўрлиги ва раҳбарлигида уларнинг кўпчилиги ўз ечимини топаётир. Биз Президентимиздан учта энг муҳим масалаларни ҳал этишда катта ёрдам сўраган эдик. Яқинда уларнинг бири амалга ошди. Яъни Деҳқонобод—Гулистон сув йўли қурилишининг дастлабки босқичи якунланиб, шаҳарликлар хонадонларига ер ости зилол суви етиб борди. Бу қурилиш давом этаётир.

Навбатда яна бир муҳим вазифа — Ховос районидаги икки хўжалик адирларига, яъни 1000 метр баландликка дарё сувини олиб чиқишдир. Ҳозир бу борада ҳам катта ишлар қилинаётир. Учинчи муҳим масала эса марказий Мирзачўл коллекторини тубдан қайта таъмирлашдан иборат. Тилга олинган ҳар уч тадбир вилоятимиз иқтисодини тубдан яхшилашга катта йўл очиб беради.

Фақат шуларгина эмас, ҳали кўнглимизда орзуларимиз кўп. Чунки қўриқ вилоятимизнинг имкониятлари беҳисоб. Биз саноатни, деҳқончиликни ривожлантиришни ҳозирги давр талаблари даражасига олиб чиқишимиз, бозор иқтисодига ўтиш йўлидаги ишларимизни тезлаштиришимиз, тадбиркорликни янада ривожлантришимиз зарур.

Хуллас, режалар кўп, энг муҳими уларни рўёбга чиқаришда! Истиқлол берган саодат, ғайрат-шижоат ҳар биримизга куч-қувват, ғайрат бағишлаётир. Шунинг учун эртанги кунимизга бўлган ишонч ҳам, орзу ва умидлар ҳам катта.

ҚЎШМА КОРХОНА— КОНИ ФОЙДА

Биз дастлаб ноҳиянинг Маҳтумқули номли жамоа хўжалиги маъмурияти билан келишиб, жамоа хўжалиги ҳудудидаги эски бир бинони ижарага олган эдик. Уни таъмирлаб, қўшимча бинолар қуриб, тикув цехига мослаштирдик, пировардида Орёл шаҳридаги «Радуга» ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали—қўшма корхонани ишга туширдик.

Ўтган тўрт йилга яқин вақт ичида филиалнинг ишлаб чиқариш қувватлари ошди ва қўшма корхона бирлашманинг узоқ Хоразм қишлоқларидан биридаги фабрикасига айлантирилди. Ҳозир бу ерда 300 нафарга яқин киши меҳнат қилиб, йилига деярлик 30 миллион сўмлик шим, куртка, халат, кўйлак сингари тикувчилик маҳсулотлари тайёрламоқда.

Жумҳуриятимизда фабрикамиз маҳсулотларига талаб катта. Шу боис, ишчи-хизматчилар ўз фидоий меҳнатлари эвазига тузукгина — ойига ўртача икки минг сўмдан зиёд иш ҳақи олишяпти. Олинаётган соф фойдадан ишчиларга ҳатто 13 ва 14-ойлик маошлар ҳам тўланяпти.

Шуниси диққатга сазоворки, бирлашма биздан ўзлари таъминлаётган хом ашёнинг ҳақинигина олаяпти, аммо соф фойдамизга шерик бўлаётгани йўқ. Бу мадад бизга корхона қувватини янада ошириш, ҳатто фойда эвазига ўзимизнинг махсус ип йигирув фабрикамиз қурилишини бошлаб юбориш имконини берди.

Бундан ташқари ноҳиямизнинг картошкачиликка ихтисослаштирилган совхозида (бу хўжалик ҳамон «СССР 60 йиллиги» номи билан аталяпти) 60 ишчи ўринли гилам ишлаб чиқариш цехини ҳам ташкил этдик. Ип йигирув фабрикаси тўла қурилиб, ишга туширилгач, гиламчилик цехи ҳам катта корхонага айлантирилади.

Вилоятда қўшма корхона очиш ташаббусини биз бошлаб берган эдик. Бу соҳада байроқдорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қиламиз. Фидойи меҳнатимиз билан жумҳуриятимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаверамиз.

Бахтиёр ДУШАМОВ,
Орёл шаҳридаги «Радуга» бирлашмасининг Шовот қўшма корхонаси директори.



Кўҳна Хива. В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

СУВДЕК АЗИЗ БЎЛИНГИЗ

Гулистон шаҳрини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида деярли 20 йилдан буён гап бўлар эди. Лекин буни қарангки, ана шу катта ва улуғ орзунинг рўёбга чиқиши республикамиз мустақиллигининг бир йиллик тўйи нишонланиши арафасига тўғри келди.

Деҳқонобод — Гулистон сув йўли қурилиши ишлари бундан деярли уч йил муқаддам бошланган эди. Дастлабки режаларга кўра унинг биринчи босқичи келаси йили ишга туширилиши лозим эди. Республика Президенти И. А. Каримов, республика ҳукумати бизларга жуда катта ҳиммат кўрсатдилар. Бу муҳим объект қурилишини тезлаштиришга қарор қилинди. Натижада мазкур ичимлик суви йўли иншоотлари шу йилнинг август ойига келиб ишга туширилди. Шаҳар аҳолиси ҳозир секундига 15 кубометр сифатли чучук сув олмоқда.

Шермат РАСУЛОВ,
Сирдарё вилояти «Водоканал» ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи.

Истиқболимиз байрами ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага кўплаб қувонч олиб келди. Байрам муносабати билан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийларн муборакбод этилди. Ночор-ногиронларга совғалар топширилди.

Сирдарё вилоятининг Ш. Рашидов районидаги Гагарин номли совхозида яшовчи Улуғ Ватан уруши фахрийси Марқабой ака Қорақулов оиласида ҳам мустақиллик кунини қувонч билан қарши олдилар. Бу оила аъзоларини хўжалик директори У. Хўжақулов байрам билан муборакбод этди.

СУРАТДА: ўнгда Гагарин номли совхоз директори У. Хўжақулов Марқабой ака Қорақулов ва унинг оила аъзолари билан.

Н. АЛИМУРОДОВ олган сурат.

Акс-садо

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

● Қашқадарё вилоятининг бир томони Самарқанд, бир томони Бухоро вилоятлари, жанубдан Сурхондарё вилояти билан туташ ва Туркманистон Республикасига чегарадош. Ўрта Осиё республикаларини боғловчи катта шоҳкўча ҳам ана шу вилоятнинг қоқ марказидан кесиб ўтади. Демак, товар-моддий бойликларнинг четга олиб чиқиб кетишини назорат қилиш вилоят инспекцияси ходимларига иш етарли. Суҳбатдошим товар-моддий бойликларини четга олиб чиқиб кетишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи, милиция подполковниги Н. Рўзимуродов хонасига кириб борганимда, у «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 11 август сонида чоп этилган «Полковник нега ишдан олинди?» сарлавҳали мақолани ўқиб ўтирарди. Суҳбатимиз ўз-ўзидан уланиб кетди.

— Дастлаб мақола ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик?

— Менинг назаримда, мақола ўз вақтида чоп этилган, — дея гап бошлади у. — Унда кўтарилган муаммо жуда ўринли. Республикамиз бозорларида айрим озиқ-овқат маҳсулотлари тақчил ва қиммат бўлиб турган бир пайтда баъзи олғирлар уни четга олиб кетишга уринаётганлиги ақлга сиғмайди, албатта. Бунинг устига айрим инспекция ходимларининг лоқайдлиги, назоратни ўташтириб юборганлигини қандай тушуниш мумкин? Масаланинг Самарқанддан кўтарилганлиги айни муддао. Бизнинг йўлларимизда ҳам бўлинма ходимлари томонидан ушланаётганларнинг асосий кўпчилиги Самарқанд вилоятидан. Баъзан майиз билан, баъзан картошка ва бошқа мевалар билан кўплаб фуқаролар қўлга тушишяпти. Афсуски, уларга гап ҳам, жарима ҳам таъсир қилмаяпти.

— Вилоятдан четга ўтиб кетадиган йўллар Қашқадарёда ҳам кўп. Инспекциягиз ходимлари четга қонуниз мол олиб кетаётганларни илғаб олаётганликлари ҳам сир эмас. Агар далиллар бўлса тилга олсангиз.

— Тўғри йўллар жуда кўп. Аммо шаҳар бедарвоза эмас. Агар мулоқот мавзуини газета мақоласига қаратадиган бўлсак, фактларга мурожаат қилайлик. Шу йилнинг 5 июнь куни «Қарши — Керки» йўлида «ВАЗ-2106» маркали в 24-95 ЧР давлат номерли машина текширилганда, ҳар килограмми 50 сўмлик 182 килограмм «95» чойи ва 420 қути бошқа хил чойлар, 10 килограмм «Буревестник» конфети бошқа республикага олиб кетилаётганлиги аниқланди. Керки шаҳрида яшовчи Ж. Мемедов бу моддий неъматларни Самарқанд вилояти савдо корхоналаридан олиб кетаётганлигини тан олди. Шу куни яна бир «ВАЗ-2103» маркали 90-93 ЧРЧ давлат номерли машина тўхтатилганда керкилик Х. Беккиев Самарқанддан ҳар пачкаси 5 сўмлик 1520 та «110» чойи, 7 килограмм «95» чойи, 120 пачка «Лаззат» печеньесини олиб кетаётгани фош бўлди.

Бўлинмамиз кўчма пости ходимлари «ВАЗ — 2101» маркали 97-86 ЧРИ давлат номерли машинани тўхтатиб кўрганда ҳайдовчи ўзини Ж. Шохбегов, Чоржўй вилоятидан, дея таништирди. Бу ўртоқ ҳам анча килограмм чой ва 200 қути кир ювиш парашогини қонуниз олиб кетаётганлиги аниқланиб, бу моллар мусодара қилинди.

— Бир кунда шунча товар-моддий бойликлар қўлга тушдими? Яна ҳаммаси Самарқанддан. Шаҳар бедарвозами деймиз, Самарқанд дарвозаси доим очиқ экан да...

— Бу ҳали хамир учидан патир, албатта. 26 июль куни «Қарши — Керки» йўлидан 95-85 СН номерли шахсий автомашина текширилганда Ургут районидаги Оққўрғон жамоа хўжалигида яшовчи Ғ. Баҳодиров 12242 килограмм картошкани Туркманистонга олиб кетаётганлиги маълум бўлди. Ғайрулла картошка ўзиники ва шу колхозда яшовчи Қ. Шарипов томорқасида етиштирилганлигини пеш қилмоқчи бўлди. Ахир республикамизда бозорлар борку?

Шу йилнинг 29 июль куни «Қарши-Керки» йўлида 99-28 СНМ давлат номерли «КамАЗ» тўхтатилди. Бу автомашина Самарқанд вилоятининг Оқдарё районидаги мувофиқлаштириш марказига тегишли экан. 1970 йилда туғилган ҳайдовчи Х. Аҳмаджонов Самарқанд районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидан 6820 килограмм картошкани, Самарқанд шаҳридаги 2509 автокорхонага қарашли Ш. Алимов бошқарувидаги 58-72 СНМ давлат номерли «КамАЗ»да «Боғизағон» давлат хўжалигида яшовчи Н. Мирзаев 5400 килограмм пиёзни Туркманистонга қонуниз олиб кетаётганлиги аниқланди...

Қўлга олинган маҳсулотларнинг ҳаммаси давлат ҳисобига мусодара қилинди. Олғирларнинг ҳар қайсисига 200 сўмдан жарима ҳам солинди. Мен шундай кишиларга қараб айтмоқчиман: огоҳ бўлинглар, шаҳар бедарвоза эмас.

— Бозорларда картошканинг нархи қиммат. Бунинг устига республика бойлигини четга чиқариш мумкин эмас, Наҳотки, буни самарқандлик ҳамкасбларингиз чуқур ҳис этишмаса? Тўғри, бўлар-бўлмас нарса учун йўловчиларни тўхтатиб, йўлтўсарлик қилиш одобдан эмас. Лекин текшириш мумкин бўлган жойларда бундан кўз юммаслик керак.

— Ҳамма гап шундада, айримлар бизни йўлтўсарлик қиляпти, деб тушунишади. Шуни тўғри англаган ходимларимиз одоб доирасида иш тутишга ҳаракат қилишяпти. Самарқанд вилояти ҳокими вилоят инспекцияси фаолиятига ишончсизлик билдирибди. Маҳсулотларнинг четга чиқиши камаймаяпти. Нима бўлганда ҳам ҳар ким ўз вазифасини сидқидилдан виждонан бажармоғи лозим.

Суҳбатдош:
«Ўзбекистон овози»
мухбири М. КАРОМОВ.

«ПОДПОЛКОВНИК НЕГА ИШДАН ОЛИНДИ»?

«Ўзбекистон овози»,
1992 йил 11 август

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● БУХОРО

КОРЕЯ МЕҲМОНЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Мустақиллик кунининг бир йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш ҳамда Бухоро шаҳри ва Корея Халқ Демократик Республикасининг Кесон шаҳри ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатиш учун вилоятимизга бир гуруҳ кореялик меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Кесон шаҳри маъмурий қўмитаси раисининг ўринбосари Ким Тонг-Че раҳбарлигидаги бу делегация Ўзбекистон ХДП Бухоро шаҳар кенгашида қабул қилинди.

Партия шаҳар Кенгашининг биринчи котиби М. С. Абдуллаева, вилоят кенгашининг иккинчи котиби А. В. Халилов ўртоқлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар ва вилоят ташкилотлари бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалга ошираётган ишлар, партиявий-ташкилий ва мафкуравий фаолиятининг янги усуллари хусусида сўзлаб бердилар, хорижий меҳмонларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Дўстона ва самимий вазиятда ўтган бу суҳбатда Ўзбекистон ХДП ва Корея Меҳнат партияси ўртасида алоқалар ўрнатиш режалари хусусида ҳам фикр юритилди.

Нусратилла НАИМОВ.

● АНДИЖОН

«БУЛОҚБОШИ» ГАЗЕТИ БОСИЛМОҚДА

● ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг Мустақиллик байрами куни «Булоқбоши» газетининг дастлабки сони босмадан чиқди.

Андижон вилоятида яна бир оммавий ахборот воситаси ташкил топди. Унда босилган материаллар Мустақиллик байрамига бағишланган. Чунончи, газетанинг биринчи саҳифасида Булоқбоши район ҳокими А. Жалиловнинг «Келажакка ёрқин ишонч билан» мақоласи, қутлов ва истаклар ўрин олган. Ички саҳифаларда «Ватан мустақиллик нурига тўлсин, эл-юрт дастурхони серфайз бўлсин!», деган умумий рукн остида ХДП Булоқбоши кенгашининг биринчи котиби А. Холматовнинг «Халқ фаровонлиги — бош мақсад», Булоқбоши пиллакашлик фабрикасининг муҳандиси А. Нишоновнинг «Дастлабки қадамлар», район халқ таълими бўлими мудири Я. Қодировнинг «Ўзгариш ва ривожланиш истиқболлари» каби мақолалар ва ранг-баранг хабарлар, суратларга кенг ўрин берилган.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

● ЖИЗЗАХ

ТУРКИЯГА ЎҚИШГА БОРИШАДИ

● ЖИЗЗАХ районн ҳокимлиги А. Абдуалимов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги мактаб биносини Ўзбекистон Республикаси қадимий Шарқ маданиятини тиклаш «Туркистон» маънавий хайрия марказининг вилоят филиали тасарруфига бериш тўғрисида қарор қилди. Мактаб ўрнида бундан буён болалар уйлицейи иш бошлайдиган бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ипак йўли» инновацион-тижорат банки бошқаруви раҳбарияти Жиззах шаҳридаги филиалига 200 минг сўм пул ўтказиб берди. «Икарус» автобусини доимий фойдаланиш учун совға қилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси билан вилоят соғлиқни сақлаш бўлими жамоалари мазкур мактаб билан биринчи кунданоқ мустаҳкам алоқа ўрнатишди.

Ота-оналаридан бевақт жудо бўлган болаларнинг 50 нафари ушбу даргоҳда тарбия олади, таҳсил кўради.

«Туркистон» маънавий хайрия марказининг вилоят бўлими мутасаддилари савобли ишга қўл уришди. Жиззах вилоятидан Туркияга бориб ўқийдиган ўғил болаларнинг рўйхати тайёрлаб қўйилди. Жиззахликлар қардош диёрдаги лицейлар ва дорилфунунларда сабоқ олишади.

Баҳриддин САТТОРОВ.

«Мустақиллик—менинг ифтихорим» фототанловига

Умрингизни берсин, бувижон!

Зоҳиржон ҲАЙДАРОВ олган сурат-лавҳа.

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМАЛАР

● Халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган байрамлари кўп. Аммо Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни жумҳуриятимиз тарихида биринчи марта нишонланди. Шу боисдан бу байрам халқимизнинг миллий айёми сифатида ниҳоятда қадрлидир.

Андижон Давлат университетининг Ўзбекистон халқлари тарихи кафедраси аъзолари ташаббуси билан «Истиқлолинг муборак, жон Ўзбекистон, Ватаним маним!» деб номланган рангли кўргазма ташкил этилди. Унда Республика герби, байроғи ҳамда қазилма ва маданий бойликлар акс этган харита жойлашган. У билан ёнма-ён Президентимиз Ислом Каримовнинг портрети ва мустақиллик ҳақидаги фикрлари ёзилган лавҳа бор.

Соҳибқирон Амир Темурнинг сурати, унинг «Бизким мулки Турон амири Туркистонмиз. Биз ким миллатнинг энг қадими ва энг улуғи. Туркнинг бош бўғинимиз...», деган сўзлари кўргазмага ўзгача жозиба бахш этиб турибди. У ўзбек халқининг забардаст шоирлари Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг рангли суратлари ҳамда уларнинг Ўзбекистонни мадҳ этган шеърларидан парчалар, адиб Жамол Камолнинг мустақил республика ҳақида айтган ажойиб фикрлари билан якунланади.

Мустақиллик бизга тилимиз, дилимиз, унутилиб бораётган урф-одатларимизни қайтариб берди. Аждодларимиз меросига бўлган қизиқишни орттирди. Университет биносининг учинчи қаватига кўтарилиш жойида «Турон — замин алломалари» деб номланган яна бир кўргазма ташкил этилди. У муқаддас Ҳадисдан олинган «Олимлар Оллоҳнинг омонатини халққа етказувчи кишилар» деган сўзлар билан бошланади. Бутун дунё илм-фан аҳли устоз деб тан олган Турон замини алломалари Хоразмий, Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг суратлари, уларнинг жаҳон маданиятини юксалтиришга қўшган ҳиссалари ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган.

Академик Ҳабиб Абдуллаевнинг «Мен ирсиятга ишонаман, Беруний, Форобий, Улуғбеклар бизнинг авлодларимиз, орамиздан келажакда шулардек алломалар чиқади, чунки бизнинг томиримизда уларнинг қонлари оқаётир», деб ишонч билан айтган қимматли сўзлари рамзий маъно касб этиб, кўргазманинг иккинчи қисми бошланади. Унда Фарғона водийсида туғилиб ўсган, жаҳон илм-фан тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган ва қўшаётган захматкаш олимларимиз Ҳабиб Абдуллаев, Хадича Сулаймонова, Комил Яшин, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Пўлат Ҳабибуллаев Муҳаммаджон Қорабоев, Акмал Қосимов, Иброҳим Асқаров ва бошқаларнинг суратлари, илмий фаолиятларини ёритувчи маълумотлар мавжуд.

Мустақиллик шарофати билан қўшни мамлакатлар билан иқтисодий-маданий алоқалар янада ривож топмоқда. Миллий, диний, маданий меросимизни халқимизга қайтариш тобора кенгайиб боряпти. Андижонда «Бобурнома» илмий экспедициясининг ташкил этилиши ана шу имкониятлар натижасидир. Севимли шоиримиз Ҳожи Абдулла Ориф айтганидек, бу экспедиция «Ўзбекистон тарихида хайрли ва ўзига хос ғоят ноёб» воқеа бўлди. Бу экспедиция сафида университетимиз профессори, тарих фанлари доктори Р. Шамсуддинов ҳам бор эди.

Экспедиция ўз олдига қўйган асосий мақсадига эришиб қайтди. Темурийлар сулоласининг ёрқин намоёндаси, олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур юрган йўллари, мамлакатлардан ўтиб, бобурийлар ҳақидаги ёзма ва оғзаки ёдгорликларни тўплади. Шу материаллар асосида «Бобур — Андижон фарзанди» деб номланган музей-кўргазма ҳам ташкил этилди. Ҳорижда чиққан китоблар, Бобурийлар шажараси тасвирланган водий харитаси, «Бобурнома» расмлари, Ҳиндистоннинг йирик давлат арбоби Жавоҳарлал Нерунинг Бобур ҳақидаги сўзлари ҳамда чет давлатлар музейларида сақланаётган Бобурийлар даврига оид ноёб ёдгорликларнинг расмлари кўргазманинг асосини ташкил этган. Шунингдек, унда илмий экспедиция фаолиятини ёритишга ҳам катта эътибор берилган. Университетда мустақиллик кунини кўтаринки руҳда байрам қилишга қаратилган бундай ишларга ректорлик вазифасини бажарувчи профессор Қодир Ғофурович Парпиев алоҳида аҳамият беряпти, зарур моддий ёрдам кўрсатяпти.

Б. РАСУЛОВ,
У. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Бобур номли Андижон Давлат университетининг ўқитувчилари.

● БУ КЎҲНА ДУНЁ

БЕРГАН ТУЗИМНИ ОҚЛАДИНГ

ёки боболаримиз мардлиги ҳақида ҳикоя

Ривоят қилишларича, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг талай қисмига ҳукмдор бўлган Абдуллахон навбатдаги сафарларидан бирида Санзор дарёси воҳасида қўр тўкади. Эрон шоҳига қарши урушга ҳозирлик кўрган лашкар шу жойда ҳордиқ олади.

— Ана шу воҳада бир қалъа қурмоқ даркор, — дейди хон аёнларига, — у бизнинг шундай таянчимиз бўлсинким, ҳар қандай ғанимга дош беролсин.

Саркардаларга ҳам бу фикр маъқул тушди.

— Бу юмушни ким ўз гарданига олур? — хон савол аломати билан яқин сафдошларига қаради. Мингбоши-ю туман оғалари бошларини қуйи солишди.

— Агар ижозат этсалар, — деди мингбоши Хўжамқул, — бу ишни мен ўз зиммамга оламан, хон ҳазратлари.

Хон қўшинидаги довюрак бу қалмоқ йигитни жуда қадрлар эди. Уддабурон, айёр—ақлли ва ҳарбий илмнинг устаси эканлигини ҳам биларди.

— Бул юмушнинг мушкули шулким, — деди хон ўйчан, — қалъага мендек саркарда ҳам ҳамла этса, дакки еб орқага қайтсин.

— Бош устига, олампаноҳ, — таъзим билан қуллуқ қилди Хўжамқул, — фақат қулингизга бир туман навкар қолдирсангиз ва қалъага дарға этсангиз.

Абдуллахон фармонга имзо чекди...

Ҳижрий 979 йил муҳаррам ойида Абдуллахон қизил бошлар устидан зафар қозониб, Бухоро томон қайта бошлади. Ғалабадан маст лашкар Санзор бўйида катта қалъани кўриб тўхтади.

— Хўжамқул амримизни бажо келтирибди, — деди хурсанд бўлиб хон, — хабар беринг унга. Биз қалъага борамиз.

Атрофи чуқур хандақлар билан ўралган, улкан деворлари ҳайбат солади.

Бу нимаси? — ажабланди хон. Дарвоза очилмади. Деворлардан огоҳлантирувчи ўқлар узилди.

— Қалъани куч билан олсанглар олгансларинг, — гулдирак товуш келди, — бўлмаса қайтларинг яхшиликча.

Хон Хўжамқул овозини таниди. Ғазаб билан бақирди.

— Мен Абдуллахонман!

— Хон бўлсанг ўзингга, — қаҳқаҳа урди Хўжамқул, — қани биз билан беллашиб кўрчи!

Бутун Шарққа ҳарбий салоҳияти билан донг таратган, ўнлаб шаҳар, қалъаларни бир ҳамлада забт этган хон ғазабдан ўзини йўқотиб қўйди. Қалъага ҳужум бошланди. Замбараклар, девортешар палахмон-у таранглар ишга тушди. Навкарлар узун нарвонлар ҳозирлашди. Аммо биринчи ҳужумдаёқ қалъа ҳимояси зўрлиги билинди. Иккинчи ва учинчи ҳамлалар эса юзлаб навкарларнинг талофоти билан тугади.

Хон кўрдики, иш шундай кетса, аввалги сафарларидан ному-нишон қолмайдиган, сара қўшини, енгилмас навкарлари қалъа девори ёнида мағлуб бўладиган. У орқага қайтишга амир қилди. Қалъа ҳимоячилари уларни мазах қилиб кузатишди.

Хоннинг қовоғи солинди. Лашкарларининг руҳи тушди. Шу зайлда улар кетишаркан қалъа дарвозаси очилиб, ундан бир тўп суворийлар отилиб чиқди. Абдуллахон улар орасида Хўжамқулни кўрди.

Суворийлар отдан тушиб хон олдида тиз чўкишди.

— Олампаноҳ, — деди Хўжамқул бош кўтариб, — амрингиз бажо келтирилди. Мана қалъанинг калити.

— Нечун, мени киритмадинг? — қаҳр ила заҳрини сочди хон.

— Қулингиз буюк саркарда, давлатпаноҳ фармонини ижро қилди, холос. Ахир ўзингиз қалъага мендек саркарда ҳам ҳужум қилса, дакки еб орқага қайтсин, деб мана бу фармонга имзо чеккансиз-ку!

Абдуллахоннинг чеҳраси ёришди. Саркардалар ўртасида жонланиш бошланди.

— Амримни эшитинг, — деди Абдуллахон тантана билан, — сен Хўжамқул менинг ҳамда хонлигим олдидаги бурчингни ҳалол ва бекаму-кўст ўтадинг. Берган тузимни тўла оқладинг. Ана шу туз ҳақи ва садоқатинг учун қалъани сенга инъом этаман.

Фармон ёзинг. Ушбу қалъа шаҳарга айлантирилсин. Номи эса «Тузҳақ» бўлсин. Фуқароларимни унга кўчиб келтириш Хўжамқулга — шаҳар ҳукмдорига топширилсин.

Йиллар ўтди. Қалъа атрофига кўчириб келтирилган одамлар ўз юртлари номларини маҳаллаларга қўйишди. Тошкентлик, Оққўрғонлик, Хайрабодлик, Ўратепалик номлари пайдо бўлди. Аста-секин «Тузҳақ» сўзи «Жиззахга айланиб кетди...

Ушбу ривоят ҳақиқатга қанчалик яқин ё йўқ — бу тадқиқотчилар ҳукмига ҳавола. Аммо Жиззах Бухоро хони Абдуллахон (1557—1598 йиллар) ҳукмронлигида ҳижрий 979 йилда барпо этилгани Темур дарвозаси қоясида ўйиб ёзилгани диққатга сазовор.

Ҳамдам СОДИҚОВ.

САВОБЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛМОҚДА



Бағдод ноҳиясидаги Ҳазиний номли жамоа хўжалигида ёрдамчи тармоқлар жадал ривожлантирилмоқда. Айни чоғда тегирмонлар, шоли оқлаш цехи, гилам тўқиш дўкони, ғишт заводи ва дурадгорлик цехларида фаол иш олиб борилмоқда. Дурадгорлик цехида уй жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилган, уларни таъмирлашда ҳам аҳолига савобли хизмат кўрсатилмоқда.

Суратда: цех бошлиғи Азизжон Зиёев уста дурадгор Ҳакимжон Эргашев билан тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

СПОРТ

ФИШЕР ДОНА СУРИШНИ БОШЛАДИ

● АМЕРИКАЛИК машҳур шахматчи Бобби Фишер йигирма йиллик танаффусдан кейин яна шахмат тахтаси ёнига ўтирди.

У югославиялик ишбилармоннинг таклифига мувофиқ шахматчи Борис Спасский билан баҳслашишга розилик берганди. Бу орада Югославиядаги ноқулай вазият туфайли ўйинни Венгрияга кўчириш ҳақида гаплар ҳам бўлиб ўтди. Лекин муаммолар бартараф этилиб, учрашув Фишер танлаган Авлиё Стефан оролида бошланди. Мусобақа бош ҳаками Л. Шмидт қуръа ташлади. Фишернинг омади келиб, оқ дона билан ўйнайдиган бўлди. Ўйинлар чоршанба, пайшанба, шанба ва якшанба кунлари бўлади. Баҳс маҳаллий вақт билан 15.30 да бошланмоқда. Боиси, Фишер кеч ётиб, тушга яқин уйғонар экан.

МУТАХАССИСЛАР ЕШЛАРГА УМИД БОҒЛАШМОҚДА

● ТОШКЕНТДА шахмат бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг ярим финал баҳслари якунланди.

Ўн икки ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида биринчи ўрин Баҳодир Ҳамроқуловга насиб этди. У етти имкониятдан олти очко тўплади. Баҳодир энди ўн етти ёшгача бўлган шахматчиларнинг республика биринчилигида иштирок этади. Ана шу ёшдаги шахматчиларнинг Ўзбекистон чемпионати ярим финалида тошкентлик Мақсуд Абдураҳимов ғалаба қозонди. У 9 имкониятдан 8 очко жамғарган эди. Мутахассислар Ўзбекистон ёш шахматчилари ўртасида иқтидорли спортчилар камол топаётганини таъкидлашмоқда.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН.

«Ўзбекгазқурилиш-1» трести маъмурияти, жамоат ташкилоти 1-кўчма механизациялаштирилган колонна раҳбари

Умид САПАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт илмгоҳи жамоаси илмгоҳ катта илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди Р. Толипжоновга укаси

Мўминжон ТОЛИБЖОН ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия олийгоҳи жамоаси жисмоний тарбия—спорт назарияси ва методикаси кафедрасининг катта ўқитувчиси

Маҳкам Азимович МИРОДИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради, чуқур таъзия изҳор қилади.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ;

- «ШАКАР ОПЕРАЦИЯСИ» (ФЕЛЬЕТОН)
- ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР
- ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА
- МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ: «КИМГА ФОЙДАЮ, КИМГА ЗАРАР?»
- МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎЗИ БЎЛМАЙДИ
- ИСТИБДОД ЗУЛМАТИДАГИ ЮЛДУЗЛАР
- ЗАР ҚАДРИ
- БАХТИЁР БЎЛСА ЗАМОН...
- ОРЗУЛАР РУЕБГА ЧИҚҚАНДА...
- ОБРЎ НИМА БИЛАН ЎЛЧАНАДИ?

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—20.55
Г—340. № 175. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.